

11. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». -URL: <https://lex.uz/>
12. HR-менеджмент: трансформация инновационной занятости в Узбекистане / Г.Ш. Карабаева, А.Б. Ирматова, Ж.А. Неъматов [и др.] // *Лидерство и менеджмент*. – 2022. – Т. 9. – № 1. – С. 187-200.
13. Карабаева Г.Ш. Инновационное решение проблем высшего образования Узбекистана в «постпандемический» период // *ББК 94.31 П78*. – 2021. – С. 67.
14. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6260 от 13.07.2021 г. «О дополнительных мерах по всесторонней поддержке молодежи и дальнейшему повышению ее общественной активности» - URL: <https://lex.uz/docs/5512122>
15. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6208 от 20.04.2021 «О дополнительных мерах по поддержке предпринимательской деятельности, содействию занятости, социальной защите и содержательной организации свободного времени молодежи» - URL: <https://lex.uz/docs/5382163>
16. Постановление Кабинета министров Республики Узбекистан №132 от 11.03.2021г. «О дополнительных мерах по социальной поддержке молодежи» - URL: <https://lex.uz/docs/5328447>
17. Постановление Президента Республики Узбекистан №5203 от 30.07.2021 г. «О мерах по дальнейшему расширению доступа к образованию в высших образовательных организациях» - URL: <https://lex.uz/docs/5540432>.



## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

**Расулов Шавкат Шароф ўғли**  
Жиззах политехника институти  
ўқитувчиси

[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a19](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a19)

**Аннотация.** Мазкур мақолада меҳнат ресурслари ўсиши ва унинг таркибий ўзгариши ҳамда иқтисодиётда бандлиги динамикаси таҳлил қилиниб, улардан унумли фойдаланиш йўллари бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли, меҳнат ресурслари, иш билан бандлик, бандлик даражаси, ишсизлар, ишсизлик даражаси, иш ўринлари.

## МЕСТО И РОЛЬ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Расулов Шавкат Шароф угли -**  
Преподаватель Джиззакский  
политехнический институт

**Аннотация.** В данной статье анализируется рост трудовых ресурсов и их структурные изменения, а также динамика занятости в экономике, даются отзывы о том, как их эффективно использовать.

**Ключевые слова:** население, трудоспособное население, трудовые ресурсы, занятость, уровень занятости, безработные, уровень безработицы, рабочие места.

## THE PLACE AND ROLE OF LABOR IN THE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

**Rasulov Shavkat Sharof ugli -**  
Teacher Jizzakh polytechnic institute

**Abstract.** This article analyzes the growth of labor resources and its structural changes, as well as the dynamics of employment in the economy, and provides feedback on how to use them effectively.

**Key words:** population, working age population, labor resources, employment, employment rate, unemployed, unemployment rate, jobs.

**Кириш.** 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш, янги за-

монавий корхоналар ташкил этиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг иш билан бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак” [1], – деб алоҳида таъкидлаган.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш нафақат иқтисодий соҳадаги, балки кўп жиҳатдан ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир. Айнан инсон омили билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, яъни инсонларнинг меҳнат соҳасидаги маънавияти, уларнинг билим ва илмий салоҳияти, қобилияти, иқтисодий фаоллиги кабилар иқтисодий тараққиёт, фаровонлик ва мамлакат хфсизлигини таъминловчи омиллар қаторидан биридир. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сонли қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Меҳнат бозори тадқиқотлари институти ташкил этилганлиги аҳолининг иш билан бандлиги масаласи давлат сиёсатининг муҳим устувор аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Аҳолининг иш билан бандлиги мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, илмий адабиётларда унинг ҳалигача тугал, ягона таърифи мавжуд эмас. Ўрганилаётган муаммонинг кўпгина жиҳатлари А.Смит, Д.Рикардо, Фр.Кенэ, А.Пигу, Дж.Кейнс каби классик иқтисодчиларнинг ишларида кўриб ўтилган.

Ҳозирги кунга келиб, иш билан бандлик масалалари кўплаб хорижлик ва ватанимиз олимлари томонидан ҳам тадқиқ қилинмоқда. Шунга қарамасдан, аксарият ҳолларда, таърифларда ўзига хос ноаниқликлар, мазкур тушунчанинг ижтимоий қабул қилинган мазмунига тўлиқ мувофиқ тушмайдиган жиҳатлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Жумладан, россиялик олим А.Я.Кибановнинг фикрича, “Иш билан бандлик ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, унга иш жойи қаерда бўлишидан қатъи назар инсонлар ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлиш учун ўзаро муносабатга киришадилар. Иш билан бандликнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини учта жиҳатда: биринчидан, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш нуқтаи назаридан; иккинчидан, умуман жамиятнинг ёки алоҳида олинган ҳар бир инсоннинг меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш нуқтаи назаридан; учинчидан, турли ижтимоий, демографик, касбий ва бошқа гуруҳларни ижтимоий меҳнатга ҳақиқатда жалб этилганлиги нуқтаи назаридан кўриш мумкин” [3].

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгаллик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди” [4].

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: “Иш билан бандлик фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир” [5].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада иқтисодий тадқиқ этиш методологияси, тизимли таҳлил, монографик таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, иқтисодий-статистик каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифатини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва турмуш сифати, инсон капитали

ривожни таълим тизимининг ривожланиш даражаси, сифати ва рақобатбардошлигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Бандлик сиёсатининг пассив чораларидан (ишсизлик нафақаларини тўлаш) ташқари аҳоли бандлигига кўмаклашишга қаратилган фаол чора-тадбирлар доираси кенгайтирилмоқда. Айниқса, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилаларга микрокредитлар, иссиқхона ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар, паррандалар ажратиш, уларни касбга, шу жумладан, тадбиркорликка ўқитиш, тайёрлаш орқали уларнинг иш билан банд бўлишлари ва даромад олишларига қаратилган барча зарур чоралар фаол амалга оширилмоқда.


Меҳнатга лаёқатлилиқ ёши давлат томонидан белгиланади. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган аҳоли – 0-15 ёш; меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли – 16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркеклар; меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли – 55

ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркеклардир.

Ёш бўйича аҳолининг турли гуруҳлари меҳнат фаоллиги даражаси билан фарқланади. Жумладан, 16-29 ёшдагиларнинг асосий қисми таълим олиш, касб-хунар ўрганиш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ билан машғул бўлади. Энг юқори меҳнат фаоллиги ва иш билан бандлик 25-49 ёшдаги фуқаролар учун хосдир.

Мамлакат аҳолисининг ҳозирги вақтдаги ўртача ёши – 25,5, шу жумладан, қишлоқда 24,1, шаҳарда эса 27,9 ни ташкил этади. У халқаро демографик таснифга кўра, Ўзбекистонни ёш давлатлар қаторига киритиш имконини беради. Яқин ва узоқ истиқболда Ўзбекистон катта меҳнат салоҳиятига эга бўлади.

Маълумотларга кўра, 1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 3,9 млн. киши истиқомат қилган. 2020 йил 1 январига келиб мамлакат аҳолисининг сони 33 905,8 минг кишидан ортиб кетди (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда аҳоли сони ўсишининг динамикаси (йил бошига, минг киши) [6]

Ўзбекистон аҳолисининг сони бўйича дунёда 43, Осиёда 18-ўринни эгаллайди. Аҳолининг кўпайиши бир текис давом этаётгани йўқ. Республикада аҳоли сонининг икки бараварга кўпайиши дастлаб 60 йил ичида рўй берган эди. Навбатдаги икки карра кўпайиш учун эса 20 йил талаб қилинди. Учинчи марта бундай икки баробар кўпайиш эса ХХI аср иккинчи ўн йиллигининг охирида кутилмоқда. Ўзбекистонда 2021 йил 1 октябрь ҳолатига меҳнат ресурслари 19,3 млн. киши (2-расм), жами иш билан бандлар 13,6 млн. киши, шу жумладан, иқтисодиётнинг расмий секторида 6,1 млн. киши (40,7 %), иқтисодиётнинг но-расмий секторида 5,9 млн. киши (39,6 %),

иқтисодий нофаол аҳоли 4,3 млн. киши, чет элда ишлаш учун кетганлар 1,6 млн. киши ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар 1,4 млн. кишини (9,4 %) ташкил қилган.

Мамлакатимизда жами иш ўринларининг 90 фоизи хусусий секторда яратилишини ҳисобга олсак, мамлакатда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, давлат корхоналарини хусусийлаштиришни жадаллаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш, бюрократия ва коррупция иллатларини баратараф этиш ва фақат тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий ривожланишга эришиш мумкинлигини халқимиз онгига сингдириш муҳим аҳамиятга эга.



2-расм. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари кўрсаткичлари динамикаси, минг киши [7]

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Мамлакатдаги ўзига хос демографик хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- аҳоли сони ўсиши суръатлари нисбатан пасайгани ҳолда аҳоли умумий сони кўпайиб боришининг давом этаётганлиги;
- аҳоли умумий таркибида 18 ёшгача бўлганлар салмоғининг юқорилиги;
- кейинги йилларда камайган бўлса ҳам, умуман, туғилишнинг нисбатан юқорилиги;

- ҳар йили меҳнатга лаёқатли ёшга тўлаётган фуқаролар салмоғининг катталиги;
- аҳолининг ҳудудлар бўйича нотекис жойлашининг сақланиб қолаётганлиги;
- меҳнат миграциясининг ортиб бораётганлиги.

Ўзбекистонда демографик вазиятнинг муҳим хусусияти меҳнатга лаёқатли аҳолининг мутлақ юқори даражада ўсиши ҳисобланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг таркиби [8]

| Кўрсаткичлар  | 2000    | 2005    | 2010    | 2015    | 2018    |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|
| Меҳнат ресурсларининг умумий сони (минг киши)                     | 2469,0  | 14453,2 | 16726,0 | 18276,1 | 18829,6 |
| Аҳоли умумий сонига нисбатан %                                    | 50,6    | 55,2    | 58,6    | 58,4    | 57,1    |
| Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (минг киши)                        | 12245,4 | 14263,7 | 16533,9 | 18167,7 | 18712   |
| Аҳоли умумий сонига нисбатан %                                    | 49,7    | 54,5    | 57,9    | 58,0    | 56,8    |
| Меҳнатга лаёқатли ёшдан ёш ва катта ёшда бўлган ишлаётган шахслар | 223,6   | 189,5   | 192,1   | 108,4   | 117,5   |
| Аҳоли умумий сонига нисбатан %                                    | 0,9     | 0,7     | 0,7     | 0,4     | 0,3     |

Республикада кечаётган демографик жараёнлар замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёш-

даги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларида ҳам ўзига



хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг ҳудудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олингани ҳолда кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини кўра билишга боғлиқ бўлади. Хусусан, Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулига асосланган.

**Хулоса ва таклифлар.** Меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш асосида иқтисодий ресурслар, шу жумладан, меҳнат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланадиган хусусий корхоналар ташкил этишни давом эттириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, уларда янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;

- иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш, зарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш

ҳисобига асосан юқори технологик ва даромадли иш ўринларини кўпайтириш;

- иш билан бандликнинг ноанъанавий шакллари ривожлантириш, аграр секторидаги ишдан вақтинча бўшаб қолган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар – сармоялар киритиш;

- муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш;

- янги иш ўринларини яратишда корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини энгиллатиш, бандликнинг ноанъанавий шакллари ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан қисман бўлса-да қоплаш;

- Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини ўрганиш, унда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва уларни олдиндан прогноз қилиш кабиларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

#### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // ЎЗА, 2020 йил 25 январь.
2. Экономика и социология труда. Учебник. / Под. ред. д.э.н., проф. А.Я.Кибанова. – М.: Инфра-М, 2010. С. 75.
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: Mehnat, 2009. 223-б.
4. Язык бизнеса. Под общ. ред. В.А.Чжсена. – Т., 1995. С. 159.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. Абдурахмонова Г. Меҳнат иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш” нашриёт-матбаа уйи, 2020.
7. Тагаев Б., Матрасулов Д., Исмаилов И. Фаол бандлик сиёсати – иқтисодий барқарорлик ва кучли ижтимоий ҳимоя сифатида. Мақола. [www.review.uz/](http://www.review.uz/) 29.11.2021.
8. Rasulov Sh.Sh. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 390-396.
9. Расулов, Шавкат. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигининг жорий ҳолати таҳлили. // *Экономика и образование*. 23.2 (2022): 227-232.
10. Rasulova Sharifa G'aybullayevna. O'zbekistonda bandlik muammosi. Ishsizlarni ijtimoiy himoya qilish. *Global fan va innovatsiyalar: Markaziy Osiyo (kitoblarga qarang)* 3.7 (2021): 22-25.
11. Расулова Шарифа Ғайбуллаевна. Ўзбекистонда бандлик муаммоси. Ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш. *Global Science and Innovations: Central Asia (см. в книгах)* 3.7 (2021): 22-25.
12. Расулова Шарифа Ғайбуллаевна. Экономическая политика государства и повышение ее эффективности, направленные на повышение экономической активности населения в Узбекистане. *Актуальные научные исследования в современном мире* 3-8 (2019): 90-95.